



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 1 (03)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2026 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

1

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Tursunov A.M. O‘zbekiston elektroenergetikasini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalar va “Yashil” energetikaning o‘rni.....	7
Abdulazizov A.A. Raqamlashtirish sharoitida energetika sanoati korxonalarining barqaror rivojlanish omillari.....	11
Jurayev D.A. Электротехника sanoati korxonalarida ishlab chiqarish jarayoniga taъsir etuvchi omillar.....	15
Suyarov Sh.S. Konchilik sanoati korxonalarida resurs salohiyatidan samarali foydalanish.....	18
Кариева Л.С. Энергетика sanoati korxonalarining ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	21
Axtamov A.U. Aksionerlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning moliyaviy samaradorlikka ta’siri xususida.....	25
Гафуров А.Б. Значение цифровой трансформации управления образованием в высших учебных заведениях.....	29
Абиткариев А.М. Значение развития человеческого капитала и стимулирования трудовой деятельности.....	33
Abdullayev D.G’. Intellektual kapital: tushunchasi, mazmuni va taraqqiyoti.....	37
Abdullayev M.G’. Xodimlarning professional rivojlanishini baholash usullari.....	42
Isakov A.Y. Tadbirkorlik sub’yektlarida raqobat ustunliklarini shakllantirishning asosiy omillari.....	46
Ashurova G.N. Charm poyabzal sanoatining xom-ashyo ishlab chiqarish va uning zahira resurslari.....	52
Yo‘ldosheva M.F. O‘zbekistonda davlat budjeti daromad va xarajatlarining tarkibi va ularning statistik tahlili.....	56
Қулматов А.А. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikni mintaqalarda qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari.....	61
Babayev A.N. Yoshlar bandligini ta’minlashni boshqarishning nazariy-metodologik asoslari va institutsional mexanizmlari.....	67
Sharipov H.A. Oilaviy tadbirkorlikning iqtisodiy mazmuni va xo‘jalik yuritish shakli sifatidagi o‘ziga xos belgilari.....	71
Турдиева Я. Анализ коррупционных рисков в системе гчп в сфере дошкольного образования.....	75
Vaxidov A.K. Personalni tanlash va ishga yollashning xorijiy tajribalari.....	78
Gaymatova D.G’. Biznes faoliyatini samaradorligini oshirishda iqtisodiy-matematik tahlil.....	83
Pardayev E.E. Xizmat ko‘rsatish jarayonlarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning iqtisodiy samaradorligi.....	87
Ibragimova S.A., Muradov Sh.D. Aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruvida innovatsion usullarni joriy etishning zamonaviy tendensiyalari.....	91
Адилов Б.Б. Социальные услуги в Республике Узбекистан: современное состояние, проблемы и перспективы развития.....	96
Yoqubova Z.T. Tarkibiy o‘zgarishlar va iqtisodiy o‘sish o‘rtasidagi mutanosiblikni ta’minlashning konseptual asoslari.....	101
Saidaxmedova N.I., Aripov A.S. Oliy ta’lim tashkilotlari boshqaruv tizimini shakllantirishda iqtisodiy nazariyalarning metodologik ahamiyati.....	106
Abduvoyeva X.Sh. O‘zbekistonda davlat ijtimoiy xarajatlarining aholi farovonligiga ta’sirining korrelyatsion–regression tahlili.....	111
Умаров А.А. Хорижий тажрибаларга асосан янги банк хизматларини жорий этилишини ривожлантириш натижасида тижорат банкларини хизматлар жозибadorligini oshirish...	116
Shoraximova Z.N. «O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarida qayta sug‘urta orqali risklarni diversifikatsiya qilish samaradorligini baholash».....	120
Умурзакова З.С. Меҳнат омилидан фойдаланишни такомиллаштириш yo‘llari.....	126
Karimov X.O. Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirishning institutsional strategiyalari.....	130

Aхунов М.А. Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.	134
Ахмаджонов С.С. Корхона асосий фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий самараси.....	138
Abdullayeva Sh.А. Veb-texnologiyaga asoslangan bir turdagi tovar zaxiralari boshqarish va amaliy masalalarni optimallashtirish.....	142
Дусанов С.М. Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш аҳамияти.....	146
Мамаражобов А.С. Tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdo faoliyati natijalarini reytinglash va undan foydalanish masalalari.....	151
Nigmatova D.Z., Amanov E.G’. Kadrlar qo‘nimsizligining korxonalar samaradorligiga ta’siri.....	157
Ikromjonova M.U. To‘qimachilik korxonalarida mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishning iqtisodiy mohiyati va tarkibi.....	160
Madaminjonov A.O. To‘qimachilik korxonalarida tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish va sotish hisobini rivojlantirishning iqtisodiy jihatlari.....	164
Jamoliddinova S.S. Ustama xarajatlarning iqtisodiy mohiyati, tarkibi va ishlab chiqarish tannarxini shakllantirishdagi o‘rni.....	168
Akbaraliyev A.E. O‘zbekiston Respublikasida investitsiya siyosati va investitsiya dasturlarining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni.....	173
Эрматова С.И. Учет обязательств в хозяйствующих субъектах.....	178
Maxsudov Sh.S. To‘qimachilik sanoati korxonalar faoliyati samaradorlikni monitoring qilishning ahamiyati.....	181
Boyev X.I., Adilov B.B. Mahalliy byudjetlar barqarorligi — ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash omili sifatida.....	186
Raxmonova N.A. Biznes ta’limida raqamli transformatsiya va innovatsion o‘qitish strategiyalari.....	190
Якубова Д.М. Применение экономико-математических моделей в промышленном производстве.....	194
Ibrohimov N.B., Jabbarov K.Y. Aylanma iqtisodiyotga o‘tishning fundamental asoslari: chiziqli modelning cheklovlari va barqaror rivojlanish imkoniyatlari.....	198
Matyoqubova D.O. Biznes tuzilmalarining innovatsion rivojlanishini diversifikatsiya qilish.....	202
Rahmatullayeva F. Andijon viloyatida yoshlar tadbirkorligi rivojlanishining tarmoqlararo diversifikatsiyasi va iqtisodiy faollikka ta’siri.....	206
Mamajonov L.A. Mahalliy byudjet daromadlarining barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari.....	209
Давруков Ф.У. Инновационные механизмы демонополизации в условиях цифровой трансформации экономики Республики Узбекистан.....	213
Убайдуллаева Н.Р. Роль перестрахования в управлении катастрофическими рисками и обеспечении финансовой устойчивости страховых компаний.....	222
Abdullayev A.A. Tijorat banklari orqali kichik biznesni moliyalashtirish samaradorligini oshirish mexanizmlari.....	227
Alimov O.N. O‘zbekiston Respublikasida jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti tizimining huquqiy asoslari va rivojlanish istiqbollari.....	230
Sultonov B.M. Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishda va boshqaruv mexanizmi bo‘yicha institutsional asoslari.....	235
Mamajonova N.A. Innovatsion rivojlanish sharoitida iqtisodiy tizimlarni boshqarish nazariyalarining transformatsiyasi hamda uning evolyutsiyasi.....	239
Sanaqulova A. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish: muammolar va imkoniyatlar.....	243
Nazarov N.N. Hududiy barqaror rivojlantirish strategiyasini shakllantirishning metodologik asoslarini takomillashtirish.....	247
Toshpulatov A.M. Qurilish materiallari sanoati korxonalarida ishlab chiqarish hajminiga oid qarashlar va uning mohiyati.....	251
Sanaqulova A., Ochilova M. Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot.....	254
Umarov I.Y. Xalqaro darajada sifat menejmenti va ISO standartlarini rivojlanish tendensiyalari tahlili....	257

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ МИНТАҚАЛАРДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗИМИ

ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА В РЕГИОНЕ

ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM FOR SUPPORTING SMALL BUSINESS IN THE REGION

Қулматов А.А. ЎзМУ “Макроиқтисодиёт” кафедраси доценти

Аннотация

Мазкур ишда минтақавий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ҳамда аҳамияти илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Минтақада кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот жараёнида давлат томонидан амалга оширилаётган институционал ислохотлар, молиявий-кредит қўллаб-қувватлаш воситалари, солиқ ва боғжона имтиёзлари, инфратузилмавий таъминот ҳамда ҳудудий бошқарув органларининг роли таҳлил қилинган.

Шунингдек, кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар, рақамли хизматлар ва давлат–хусусий шериклик механизмларини жорий этиш йўналишлари асослаб берилган. Тадқиқот натижасида минтақада кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг интеграл ташкилий-иқтисодий моделини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, минтақавий ривожланиш, ташкилий-иқтисодий механизм, давлат қўллаб-қувватлаши, институционал ислохотлар, молиявий-кредит механизмлари, солиқ имтиёзлари, инфратузилма, рақамли иқтисодиёт, давлат–хусусий шериклик.

В данной работе с научно-теоретической и практической точек зрения исследуется роль и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении устойчивого социально-экономического развития региона. Особое внимание уделено вопросам формирования и совершенствования организационно-экономического механизма поддержки малого бизнеса на региональном уровне. В ходе исследования проанализированы институциональные реформы, реализуемые государством, инструменты финансово-кредитной поддержки, налоговые и таможенные льготы, инфраструктурное обеспечение, а также роль органов территориального управления. Кроме того, обоснованы направления внедрения организационных мер, цифровых сервисов и механизмов государственно-частного партнерства, направленных на повышение эффективности деятельности субъектов малого бизнеса. По результатам исследования разработаны научно-практические предложения и рекомендации по совершенствованию интегрированной модели организационно-экономического механизма поддержки малого бизнеса в регионе.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, региональное развитие, организационно-экономический механизм, государственная поддержка, институциональные реформы, финансово-кредитные механизмы, налоговые льготы, инфраструктура, цифровая экономика, государственно-частное партнерство.

This study examines the role and importance of small business and private entrepreneurship in ensuring sustainable regional economic development from both theoretical and practical perspectives. Particular attention is paid to the formation and improvement of the organizational and economic

mechanism for supporting small businesses at the regional level. The research analyzes state-led institutional reforms, financial and credit support instruments, tax and customs incentives, infrastructure provision, and the role of territorial governance bodies. In addition, the study substantiates the introduction of organizational measures, digital services, and public–private partnership mechanisms aimed at improving the efficiency of small business entities. Based on the research findings, scientific and practical proposals and recommendations are developed to enhance an integrated organizational and economic support model for small businesses in the region.

Keywords: small business, private entrepreneurship, regional development, organizational and economic mechanism, government support, institutional reforms, financial and credit mechanisms, tax incentives, infrastructure, digital economy, public–private partnership.

Охирги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириб бориш, қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва минтақаларни мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда рақамли давлат хизматларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ вилоятлар кесимида ушбу чора-тадбирларнинг амалий самарадорлиги турлича бўлиб, бу кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилишни таклиф этдилар [1]. Мамлакат ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш ресурслари, инфратузилма ривожланганлиги ва меҳнат бозори ҳолатидаги фарқлар кичик бизнесни ривожлантиришга турлича таъсир кўрсатади. Шу боис, умумий давлат сиёсати билан бир қаторда, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли, мослашувчан ва комплекс ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Президент: “тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсатимизни давом эттириб, 2026 йилда асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз қолдирамиз; тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилади; кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 трлн. сўм ресурс берилади. Шундан 43 трлн. сўми хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади”, дея таъкидладилар. Бу эса ҳудудларда иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, ҳудудда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш нуқтаи назаридан долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда республика иқтисодиётида кичик бизнес секторининг аҳамияти нафақат кичик компанияларнинг иш ўринлари ва ноёб маҳсулотлар яратиш қобилияти билан белгиланади, балки кичик бизнесни ривожлантиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари нуқтаи назаридан иқтисодиётни монополаштириш, бозор рақобатини таъминлаш, бутун ҳудуд аҳолиси учун соғлом бозор муҳитини яратиш муаммоларини ҳал этишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Ҳукумат веб-сайтлари ва ахборот порталларининг расмий статистик маълумотлари, жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда минтақавий ва давлат даражасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий тадқиқотлар ёрдамида минтақада тадбиркорликни ривожлантириш даражаси иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили

ўтказилди. Тадқиқотнинг услубий асоси қиёсий, кенг камровли ва тизимли таҳлил, шунингдек, олинган натижаларни мантиқий мавҳумлаштириш ва тизимлаштиришга асосланган эди.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш махсус молиявий институтлар — жамғармалар, кафолат механизмлари ва имтиёзли кредитлар орқали амалга оширилади (World Bank, OECD). Айниқса, кредитга кириш имконияти чекланган микро ва кичик корхоналар учун давлат кафолат жамғармалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодий адабиётларида ҳам кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масаласи кенг ёритилган. Маҳаллий олимлар (Абдуллаев, Каримов, Қодиров ва бошқалар) тадбиркорликни ривожлантиришда давлатнинг институционал роли, молиявий механизмлар самарадорлиги ва ҳудудий омилларга алоҳида эътибор қаратишган. Тадқиқотларда Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кафолат ва фоиз компенсацияси механизмлари тадбиркорлар учун молиявий тўсиқларни камайтиришда муҳим экани таъкидланади.

Шу билан бирга, адабиётларда мавжуд механизмларнинг камчиликлари — ресурслар чекланганлиги, банклар билан ҳамкорлик муаммолари, ахборотлар асимметрияси ва инновацион лойиҳаларни баҳолашдаги қийинчиликлар ҳам қайд этилган. Бу эса ушбу соҳада молиявий механизмларни такомиллаштириш ва хорижий илғор тажрибаларни жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

2025 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 358,1 мингтани ташкил этди.

1-расм маълумотлари кўрсатишича, Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Фарғона вилоятлари тадбиркорликни ривожлантириш учун энг истикболли ҳудудлардан ҳисобланади. Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларида эса нисбатан секинлик билан ривожланмоқда.

Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг нисбатан кам бўлиши бир нечта иқтисодий, демографик ва институционал омиллар билан изоҳланади. Бу уч вилоятда аҳоли сони Фарғона, Тошкент ёки Самарқандга нисбатан анча кам. Аҳоли кам бўлса, истеъмол бозори тор, хизматлар ва савдо учун талаб кам, бунинг натижасида кичик бизнес очишга рағбат пасаяди.

Навоий вилоятида эса иқтисодий тузилманинг қуйидаги ўзига хослигига боғлиқ:

– йирик давлат ва стратегик корхоналар (НКМК, энергетика, кон саноати) устун даражада ривожланган;

– иқтисодиёт капитал сиғимли ва йирик корхоналарга йўналтирилган;

– кичик бизнес учун чекланган ва махсус эҳтиёжга эга бўлган йўналишлар мавжудлиги.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, қишлоқ хўжалигида эса мавсумийлик кучли, қўшилган қиймат улуши кам. Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик кўпроқ хомашё етиштириш билан чекланиб қолади. Айрим ҳудудларда транспорт логистикаси етарли эмас, саноат зоналари кам, муҳандислик коммуникациялари (газ, электр, сув) чекланган. Бу эса тадбиркор учун харажатларни оширади, рискни кучайтиради. Инвестицион жозибадорлик пастлиги ривожланган ҳудудларни танлайди. Натижада янги кичик корхоналар кам очилади, мавжудлари кенгаймайди.

Бизнесни режалаштириш, маркетинг ва рақамли технологиялар айрим ҳудудларда етарли даражада ривожланмаган. Ёшлар иш излаб бошқа вилоятларга кетади, маҳаллий тадбиркорлик салоҳияти пасаяди. Айрим ҳудудларда ер ажратиш, рухсатномалар бериш, кредит олиш амалда қийин кечиши мумкин, бу ҳам кичик бизнес фаоллигини пасайтиради.

Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг камлиги аҳоли зичлигининг пастлиги, иқтисодиётнинг йирик корхоналарга ёки қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги, инфратузилманинг чекланганлиги ҳамда инвестицион жозибадорликнинг нисбатан пастлиги билан изоҳланади.

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг (ҳар 1000 аҳолига нисбатан) энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида 27,5 бирлик, Навоий вилоятида 17,7

бирлик, Жиззах вилоятида 13,8 бирлик, Сирдарё вилоятида 13,7 ва Бухоро вилоятида 13,6 бирликка етди [2].

Кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткич Яккасарой туманида 56,7 бирлик, Миробод туманида 46,1 бирлик, Бектемир туманида 40,2 бирлик, Чилонзор туманида 35,5 бирлик, Қоровулбозор туманида 34,6 бирлик, Ҳозғон шаҳри 34,5 бирлик, Томди туманида 33,2 бирлик, Сирғали туманида 30,0 бирлик ва Мирзо Улуғбек туманида 29,6 бирлик эканлиги қузатилди.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик ва микрофирмалар, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун бир қатор давлат ва халқаро дастурлар амалга оширилмоқда. Бу дастурлар тадбиркорларга молия, кредит, маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик, тавсия ва бошқа имкониятларни яратади.

1. Давлат даражаси 2018-2024 йилларга мўлжалланган “Ҳар бир оила – тадбиркор” ва 2025-2027 йилларга мўлжалланган “Ёшлар бизнеси” дастурлари амалга оширилмоқда.

1) Кенг қўламли КЎБ ни ривожлантириш дастури доирасида тахминан 10 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши режалаштирилган:

имтиёзли кредитлар, айниқса, ёшлар ва аёл тадбиркорлар учун қўшимча лойиҳалар тақдим этиш (масалан, кредитни 2% паст даражада бериш);

микро ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун гаровсиз кредит олиш имконияти берилган.

2) Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи кафолат жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма банклар берган кредитларнинг гаров мажбуриятларини 50% гача қоплайди, кредит олиш учун гаровсиз имкониятлар ҳам кўрилади, инновацион ҳамда юқори технологияли бизнесларга ҳам ёрдам кўрсатади.

3) Солиқ ва маъмурий энгилликлар берилади. Давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун солиқ ставкаларини белгиланган муддатга кўтарилмаслигини таъминлади; кичик ва ўрта бизнесни рўйхатга олиш ҳамда ташкилий тузилмаларини соддалаштирди.

2. Халқаро ҳамкорлик асосидаги дастурлар узоқ муддатли, айримлари 2020-2027 йиллар ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган.

1) World Bank – Access to Finance for Jobs and Growth (FINGROW)

Бу лойиҳа микрокомпаниялар ва кичик тадбиркорларга бизнес имкониятларини кенгайтириш мақсадида 100 миллион доллардан ортиқ кредит ва грантлар ажратади. Мақсад минглаб тадбиркорларга кредит, давлат кафолати ва инвестиция имкониятларини яратишдир.

2) EBRD – Youth in Business (YiB) ва SME қўллаб-қувватлаш пакетлари

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (EBRD) билан ҳамкорликда ёш тадбиркорлар учун YiB дастури (10 миллион АҚШ долларигача кредит), кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун яна 10 миллион АҚШ доллари йўналтирилди. Шу билан бирга, тренинглари, маслаҳатлар ва тармоқ имкониятлари ҳам берилади.

3. Ёшлар, аёллар ва маҳаллий тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратиш бўйича таълим ва малака ошириш йўналишида тадбиркорлик ва касб-ҳунар курслари ташкил этилади (масалан, касбга тайёрлаш курслари ва бизнес режа тайёрлаш бўйича). Грантлар ва ёш стартаплари бўйича жисмоний шахслар ва ёш тадбиркорлар учун грант танловлари ўтказилади (масалан, энг илғор стартап лойиҳаларга маблағ ажратиш).

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит ва қўллаб-қувватлаш дастурлари мавжуд.

Умуман олганда, Ўзбекистонда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари:

- давлат дастурлари (имтиёзли кредитлар, кафолат жамғармалари, маъмурий энгилликлар);

- халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик (World Bank, EBRD, ADB ва бошқалар);

- таълим, тренинг, стартап ва грант имкониятлари;

- ёшлар, аёллар ва маҳаллий аҳоли учун махсус қўллаб-қувватлаш дастурлари.

Юкорида таъкидланганидек, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсишида вилоят ва шаҳарлар даражасида давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани асосий омил бўлмоқда.

Дастурий ҳужжатда белгиланган давлат органларининг асосий мақсади ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиб, у қуйидагилар билан баҳоланади:

- кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи субъектлар улушининг кўпайиши;
- вилоят иқтисодиётида тадбиркорлик хиссасининг ошиши;
- КЎБ субъектлари томонидан сотилаётган товарлар ва хизматлар улушининг ўсиши.

Ушбу дастур доирасида маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- имтиёзли кредитлашдан фойдаланишни соддалаштириш орқали ҳудуддаги кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик фаолиятини вилоят аҳолиси, хусусан, ёшлар ўртасида оммалаштириш;
- яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватловчи инфратузилма Ўзбекистон минтақавий ва шаҳар ташкилотларининг комбинациясидан иборат бўлиб, улар орасида Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ушбу жамғарманинг ўзига хос хусусияти унинг кўп функциялилигидадир. У Ўзбекистоннинг кафолат, лизинг ва инвестиция жамғармаларини бошқаради, уларнинг ҳар бири худди шу тарзда яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес учун ихтисослаштирилган хизматлар пакетини тақдим этади.

Жамғарма фаолияти таҳлили вилоятларда тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органларининг фаол иштирокини кўрсатмоқда. Бошқа томондан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими фаолиятида оммавий ахборот воситаларида тез-тез ёритилган ҳамда бизнес-форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар натижалари таҳлилида ўз аксини топган қатор камчиликларни кузатиш мумкин.

Ушбу камчиликларни микродаражада - Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ва шаҳар туманларида кузатиш мумкин. Масалан, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш амалиётини жорий этишнинг долзарб муаммоларига қуйидагилар киради:

- молиявий қамров чекланганлиги, Жамғарма ресурслари барча эҳтиёжманд тадбиркорларни қамраб олиш учун етарли эмас. Айниқса, микробизнес ва янги ташкил этилган корхоналар тўлиқ қамраб олинмаяпти. Оқибатда талаб ва таклиф ўртасида номуносиблик юзага келмоқда;

- банклар билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлиги пастлиги, айрим банклар жамғарма кафолати мавжуд бўлсада, қўшимча гаров талаб қилади, банк кредит сиёсатлари бир-биридан фарқ қилади. Натижада кафолат механизми тўлиқ ишламайди;

Ушбу мақола муаллифларининг фикрича, маҳаллий ҳокимият-хусусий шериклик институтини ривожлантириш қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

• хўжалик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартномалари бўйича фаолияти маҳаллий ҳокимият ва давлат қонунчилиги доирасида амалга оширилиши ва биргаликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг шаффофлигини таъминлаши керак;

• тегишли шартнома шартлари, давлат-хусусий шериклик иштирокчилари лойиҳани амалга ошириш натижаларига кўра, ҳамкорликдан ўзаро фойда олишади, буни виждонан бажармасдан амалга ошириш мумкин эмас;

• шартномани тузиш ва бажариш жараёнида амалга ошириладиган операциялар давлат-хусусий шериклик лойиҳасида иштирок этувчи хўжалик субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойилига асосланиши керак;

• ҳар икки томон: давлат органлари ва хусусий тадбиркорлар шартномада кўрсатилган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашлари шарт.

Юқорида санаб ўтилган тамойилларга риоя қилиш билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг айрим маъмурий-ҳудудий бирликларида маҳаллий ҳокимият-хусусий шериклигини самарали мослаштиришга минтақавий миллий иқтисодиётнинг институционал хусусиятларини ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик меъёрларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бизнес салоҳиятини ҳисобга оладиган юқори сифатли ташкилий-иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни амалга оширишга хос бўлган илгари аниқланган муаммоларни ҳал қилиш тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми доирасида тизимли равишда кўриб чиқилиши керак. Бундай механизмнинг муҳим хусусияти унинг маҳаллий ҳокимлик-хусусий шериклик институтини ривожлантиришга қаратилганлигидир. Ҳудудий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг аллақачон ишлаб чиқилган усуллари тизимидаги бундай механизмнинг таркибий тузилиши келтирилган.

Унда кўрсатилган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми, маҳаллий ҳокимият-хусусий шериклигига асосланган ҳолда, бир томондан, давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш вариантлари ўртасидаги тафовутни камайтиришга, иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий бюджетлари кўпайиши билан тавсифланган тузилмаларида шериклик лойиҳаларини амалга оширишга имкон беради.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти тадбиркорлик субъектлари учун муҳим молиявий таянч ҳисобланса-да, молиявий ресурслар чекланганлиги, институционал ҳамкорлик заифлиги, ахборот асимметрияси ва ҳудудий номуносибликлар унинг самарадорлигини пасайтиради. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун банклар билан ягона стандартлар, рақамлаштирилган жараёнлар ва инновацион лойиҳаларни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/8834>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5087-сонли Қарори.
4. Абдуллаев А.Х. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёти. — Т.: Иқтисодиёт, 2020.
5. Ишмухаметов Э. М., Гайсина Р. Р., Хисаева А. И. Институциональные тенденции развития предпринимательства в Республике Башкортостан // Вестник УГНТУ. Серия: экономика. 2020. № 2 (32). С. 92–100.
6. Карпова Н. К., Мареев В. И. Основные положения методологии институционализации государственно-частного партнерства // Гуманитарий Юга России. 2021. № 2. С. 158–168.
7. Қодиров А.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари // Иқтисод ва молия. — 2021.
8. Набиев О.Н. Кичик тадбиркорликни молиявий рағбатлантириш масалалари. — Т.: Fan, 2022.
9. Чебурахина Д. И., Субботина Т. Н. Современное состояние малого и среднего бизнеса в России // Экономика и бизнес: теория и практика. 2021. № 4-2. С. 235–238.

10. Федеральная налоговая служба. Единый реестр субъектов малого и среднего предпринимательства в Российской Федерации. URL: <https://rmsp.nalog.ru/index.html> (дата обращения: 10.07.2023).
11. Schumpeter J. A. The Theory of Economic Development. — Harvard University Press, 1934.
12. Acs Z., Audretsch D. Innovation and Small Firms. — MIT Press, 1990.
13. OECD. SME and Entrepreneurship Policy. — Paris, 2021.
14. World Bank. Small and Medium Enterprises Finance: Improving Access to Finance. — Washington DC, 2020.
15. EBRD. Advice for Small Business Programme. — London, 2022.
16. IFC. Financing Small Businesses in Emerging Markets. — Washington DC, 2021.

UDK:331.53

YOSHLAR BANDLIGINI TA’MINLASHNI BOSHQARISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI VA INSTITUTIONAL MEKANIZMLARI

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ МЕХАНИЗМЫ УПРАВЛЕНИЯ ЗАНЯТОСТЬЮ МОЛОДЕЖИ

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS AND INSTITUTIONAL MECHANISMS OF YOUTH EMPLOYMENT MANAGEMENT

Babayev Anvarjon Nematjonovich, Mirzo Ulug‘bek tumani Oqibat mahalla fuqarolar yig‘inida tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha hokim yordamchisi
«Geologiya fanlari univertiteti»da o‘qituvchi-assistent

Annotatsiya

Ushbu maqolada yoshlar bandligini ta’minlashni boshqarishning nazariy-metodologik asoslari va ayrim institutsional mexanizmlari tahlil qilinadi. Tadqiqot O‘zbekiston qonunchiligi, milliy ilmiy adabiyotlar hamda xorijiy tadqiqotlar tahliliga asoslanadi. Ishda yoshlar bandligini boshqarishda tizimli va institutsional yondashuvlarning ahamiyati ochib berilib, mavjud boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish yo‘nalishlari ilmiy jihatdan asoslab beriladi.

Kalit so‘zlar: yoshlar bandligi, bandlikni boshqarish, institutsional mexanizm, davlat siyosati, mehnat bozori, boshqaruv yondashuvlari, tizimli yondashuv, bandlik siyosati

В статье анализируются теоретико-методологические основы и отдельные институциональные механизмы управления занятостью молодежи. Исследование основано на изучении законодательства Узбекистана, национальных научных источников и зарубежных публикаций. Раскрывается значение системного и институционального подходов в управлении молодежной занятостью и определяются направления совершенствования действующих механизмов государственной политики в данной сфере.

Ключевые слова: занятость молодежи, управление занятостью, институциональный механизм, государственная политика, рынок труда, управленческие подходы, системный подход, политика занятости

This article examines the theoretical and methodological foundations and selected institutional mechanisms of youth employment management. The study is based on the analysis of Uzbek legislation, national academic literature, and international research sources. The paper highlights the role of systemic and institutional approaches in youth employment governance and identifies key directions for improving existing management mechanisms in the field of youth employment policy.